


LearnEnglish Family



learning
together is fun!

Инглиз тилини суръатли китобларни
ўртоқлашиш орқали ўрганиш

Муқаддима

Фарзандингизнинг ўрганиш жараёнида иштирок этишингиз ҳам унинг муносабатига ҳамда ўзлаштириш тезлигига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Ота-оналар фарзандларига мактабдан ташқарида ёрдам беришлари мазкур болаларнинг мактабда муваффақиятга эришишларига салмоқли хисса қўшади.

Буюк Британиянинг Мактаблар ва талабалар бўйича вазири Жим Найт шундай дейди: “Бошланғич мактаб ёшидаги болаларнинг билим олишларига ота-оналар ўқитувчиларга нисбатан олти баробар қучлироқ таъсир қиласидилар”. Фарзандингизнинг инглиз тилини ўрганиши ва уни қўллашда ўзига бўлган ишончни кучайтириши учун бир нечта оддий услублардан фойдаланишингиз мумкин.

“Британия кенгаши”нинг таълим бўйича мутахассислари ота-оналарга ёрдам бўлиши учун янги “Инглиз тилини ўрганинг” маҳсулотлар ва хизматлар оиласини тайёрладилар. Умид қиласизки, ўз фарзандингиз билан иш олиб борганингизда ушбу маҳсулотлардан фойдаланиш сизга маъқул келади. Ахир охир оқибатда, биргаликда ўрганиш завқлидир!

Боланинг ўрганиши


Ўқитувчи

Ота-она


“Британия кенгаши”нинг бутун дунё бўйича тажрибаси шуни кўрсатадики, ота-оналар ва ўқитувчилар ҳам жиҳатликда иш олиб борганида болаларнинг муваффақиятга эришиш эҳтимоли янада ошар экан.

Суръатли китоблар

Буюк Британияда ҳар йили болалар учун минглаб турдаги суръатли китоблар чоп этилади. Китоб дўконларида болалар бурчакларида энг янги китоблар ҳамда китобхонлар хурматини қозониб ултурган китоблардан инсонни ҳайратга соларли даражада кўп турлари ўрин олган. Улар бугунги кунда Британияда ижод қилаётган энг яхши рассомлардан бир талайи томонидан суръатлар билан безалган. Инглиз тили она тили бўлган болалар ушбу суръатли китоблардан мазза қилиб фойдаланиш имконига эгалар. Шундай экан, нега энди инглиз тилини қўшимча тил сифатида ўрганаётган кичик ёшдаги болалар ҳам бундай китоблардан завқ олмасинлар?




Bear About Town
Written by Stella Blackstone, illustrated by Debbie Harter
(Barefoot Books)
Reproduced by kind agreement with
Barefoot Books Ltd (www.barefootbooks.com)



What shall we do with the Boo Hoo Baby?
Cressida Cowell and Ingrid Godon
(Macmillan Children's Books, London, UK)



Эрта бошлашнинг афзаликлари



There was an old lady who swallowed a fly
© M Twinn 1973. Reproduced by kind permission
of Child's Play (International) Ltd. All rights reserved.



Болалар аллақачон ҳикоялар билан танишлар. Энг кичкина ёшдан бошлаб улар ҳикоя қилиш усулида гапирадилар. Улар кундалик бошдан кечирғанларини ҳикоя қилишлари орқали ўзларини баён қиладилар: ўз ғоялари, умидлари ва ҳис-түйғуларини тилда ҳамда расм чизиш ва ҳаёлий йийнлар ўйнаш орқали ифода этадилар.


Кўп болалар ўз она тилидаги теледастурлар ёки бадий фильмлардаги воқеаларни ўзларига хос равища баён қилиб беришга ўрганган бўлсалар, бошқалари суръатли китобни бир-бирлари билан ўртоқлашиш завқидан баҳраманд бўлган бўлишлари мумкин. Ага ота-она тўғри йўналтириб турса, аксарият болалар ўзларига хос бўлган баён қилиш услубларини инглиз тилидаги суръатли китобларга нисбатан тадбиқ этиш орқали уларда акс эттирилган воқеяларни тушунишни тезда ўрганиб оладилар.

Суръатли китобларни бир-бирлари билан ўртоқлашиш нафақат бошқа тилни ўрганиш билан боғлиқ, балки шу билан бирга, бу болаларга ота-она кўмагида дунёга кенгроқ дарча очиш ҳам демакдир. Суръатли китобларни бир киши билан ўртоқлашиш болаларга ўз тезликлари ва даражаларига мос келадиган равища ҳар томонлама ривожланиш имкониятини беради, чунки уларни қўллаб турувчи ота-оналари бор эканлигини биладилар. Болалар кўпроқ китобларни ўртоқлаши боришлари баробарида уларнинг ўзлариг аўлган ишончи ортиб боради. Буни кўпинча уларга нотаниш бўлган инглиз тили ва янги нарсаларни ўрганишга нисбатан қўллаган ёндошувларида кўриш мумкин.




Суръатли китоблар ота-оналар ва болаларга ўз она тилларидан инглиз тилида сўзлашишга ўтиш учун оддий сабаб бўла оладилар. Инглиз тилида сўзлашиш борасида ўзига унчалик ишонмайдиган ота-оналар суръатли китоблардаги қисқа матнлар уларга бу борада фойдали кўмак бўла олишини кўрадилар. Ўқиш ва ўртоқлашиш учун матнлар тақдим этишдан ташқари суръатли китоблар ўзаро мулоқот учун асос бўлишлари ҳам мумкин бўлиб, уни ота-она ўз фарзандининг ривожланиш борасидаги эҳтиёжлари, қизиқишилари ва билимларига мослаштириш имконияти мавжуд.

Баъзи ота-оналар суръатли китоблардан фойдалани бошлиш фарзандлариниг мактаб ўқув дастури ёки дарсликларига мос келмслигидан хавотирланишлари мумкин. Суръатли китобни биргаликда ўқиш инглиз тилини ўрганишнинг яна бир қўшимча услуби бўлиб, у оиласларни мустаҳкамлайди ва болаларга уйда инглиз тилида гаплашиш завқли эканлигини тушунишга ёрдам беради. Кўплаб оиласлар ўз она тилларида бўладиган кундалик ўзаро сұхбатларга суръатли китоблардан олинган инглиз тилидаги жумлаларни киритиб боришни яхши кўрадилар. "Not now, Bernard" (Хозир эмас, Бернард") – бу борада энг кўп қўлланиладиган жумлалардан ҳисобланади.



Not Now, Bernard
David McKee
(Random House)





Do Your Ears Hang Low?
Caroline Jayne Church 2002



Суръатли китоблардан ўрганиш

Болани суръатли китоблар тўғрисида инглиз тилида гапириб беришига тайёр ҳолатга келтириш учун вақт талаб этилади. Аммо, болаларнинг жим туриши улар қулоқ солмаётганлиги ва ўрганмаётганлигидан далолат бермайди (Британия кенгашининг “Болалар инглиз тилини ҳорижий тил сифатида қандай ўрганадилар” номли китобчасига қаранг). Болалар кўпинча сўзлар билан ифода эта оладиганларидан кўра кўпроғини англайдилар. Шунингдек, агар китоб тажрибаси эътиборни жамловчи ва завқли бўлган бўлса, болалар одатда янги инглизча сўзларни ўзлари, ўз тезликларида ўрганиш боришни истайдилар. Болалар ўз дунёларини ўрганиш билан бандлар ва уларнинг кўпчилиги янги нарсаларни кашф қилишни истайди. Айниқса бу янгиликлар рағбатлантирувчи ва ўзига тортувчи тарзда тақдим этилган бўлса айни муддао.


Ҳар сафар суръатли китобни биргаликда кўриб чиқилганда фарзандларининг ундаги матнни ўзлаштириб олиш қобилиятини етарлича баҳолай олмасликлари мумкин. Кўпчилик ота-оналар агар фарзандларига ўқилаётган гапнинг охирини якунлаш ёки алоҳида урғу берилган сўз, масалан, “йўқ” сўзи ҳар сафар учраганда уни айтиш имкони берилса, уларда “китоб ўқишга” қанчалик катта қизиқиш уйғонганлигини кўриб ҳайратланадилар.

Болалар китоб ўқишига қандай қўшилишни билиб ол-галаридан кейин улар ўз кўникмаларини аста-секин кенгайтириб борадилар ва пиравардида китоб ва-рақланганда ундаги суръатларга қараган ҳолда матнинг аксарият қисмини ёддан айти оладиган даражага етадилар. Кўпинча ота (она) матннинг бир кичик қисмини атайлаб ўқимасдан ташлаб кетади ва фарзанди унинг "ҳатоси"ни айтиб ўтишига имкон беради.

Кичик ёшдаги болаларнинг зерикиш нуқтаси кат-таларнидан фарқ қиласди. Кўпчилик болалар бир китобни бир неча бор қайта-қайта ўқишини сўраши мумкин. Ота-оналар ушбу талабларга ижобий жавоб беришлари керак, чунки қайта ўқиш болаларга бошқа тилдаги матнни тушуниш ёки янги сўзларни ўрганиш ҳамда аллақачон ўргангандарини тасдиқлаш ва му-стаҳкамлаш учун керак бўладиган табий тақрорлашни таъминлаб бериши мумкин.


Суръатли китобларга баъзан фақат матнлар ёзилган китоблардан фарқлаш учун "ҳақиқий китоблар" дейи-лади. Бундай китоблар мазкур тил она тили ҳисоблан-миш болаларга яхши таниш бўлган гап тузилишлари ва сўзларнинг бир талайи билан танишиши имконини берадилар.

Ҳақиқий суръатли китоблардаги расмлар матнли ки-тобларнинг аксариятида бўлгани каби асар тилини ту-шунишга ёрдам бериш билан чегараланиб қолмайди. Тасвирий санъатнинг турли услублари болаларнинг тасаввурни қўллаш кўникмаларини табий равишда кенгайтиради.



Hippo Has A Hat
Julia Donaldson and Nick Sharratt
(Macmillan Children's Books, London, UK)





Monkey and Me
Emily Gravett
(Macmillan Children's Books, London, UK)

Суръатли китобларни биргалиқда ўқишининг завқули томонларидан яна бири шундан иборатки, одатда болалар китобни илк бор күздан кечирғанда ундаги расмларни түлиқ, бир бутун предмет сифатида құрадилар. Аммо, китоб қайта-қайта ўқилиши билан суръатлардаги деталлар ва нозик жиҳатлар юзага чиқа бошлады.

Иллюстрациялар машхур рассомлар томонидан ишланған бўлиши мумкин, суръатлар аслида фотосуръатлар бўлиши ёки инновацион 3-ўлчамли (3D) услубда бўрттирилган ҳолда тайёрланган бўлиши мумкин. Болалар учун ўз кўлларида санъет асарини тутиб туриш нақадар завқули. Суръатли китоблар билан танишиш шубҳасиз болаларнинг кўрганларини баён қилиш кўникмаларини кучайтиради ва вақт ўтиши билан улардаги ижодкорлик ҳамда дизайн ва безакларни қадрлаш ҳислатларини шакллантиради.

Шу билан бирга суръатли китоблар болаларга ўз ҳаётларидаги воқеа-ҳодисаларнинг маъносини англашга ёрдам беради. Болалар суръатли китобларнинг ҳис-туйғуларга бой қисмларини синчковлик билан, берилиб ўрганишлар мумкин бўлиб, бу улардаги асабийлашиб ҳолатларини бўшаштиришга ёрдам бера олади. Шунингдек болалар ўз борлиқлари ёки ҳаттоқи ўз орзулари чегараларидан ҳам анча ташқаридағи қизиқарли, тасаввур тажрибаларини бошдан кечиришлари мумкин. Кичик ёшдаги бола китобни қаттиқ ёпар экан "АЛВИДО Улкан маҳлуқ!" деганида у қанчалик куч ҳис этишини тасаввур қилинг.


Суръатли китобларни танлаш

Суръатли китоблар күйидаги турларда бўлиши мумкин:

- Ҳикоя қилувчи китоблар – оддий, қисқа ҳикоя, жумладан, сұхбат ва шеър ёзилган матнга эга бўлган китоб
- Маълумот берувчи китоблар – қисқа изоҳ матнларига эга китоблар
- Шеър китоблар – битта ҳикояни баён этувчи шеър ёки турли шеърлар тўпами
- Инновацион китоблар - қисқа матн ва 3 ўлчамли бўртма вароқقا эга китоблар
- Қаҳрамонлар туркумидаги китоблар – қўшимча равишда қўғирчоқ биринтирилган китоблар.

Ота-оналар китоб танлашда ўзларига ёқадиган ва ўзлари ишонч билан ўқий оладиган китобларни танлашлари лозим, зеро ғайрат юқимлидир! Улар китобни фарзандлари эътиборига ҳавола қилишларидан олдин ундаги матнни қандай ўқишиларини режалаштириб олишлари ва ҳар сафар қайтадан ўқиганларида айнан ўша режага асосан иш қўришлари лозим.

Агар ўқиш ҳар сафар турлича ижро этиладиган бўлса, болалар янги тилни ўрганишга қийналадилар.




Next Please
Ernst Jandl and Norman Jung

Next Please
Ernst Jandl and Norman Jung
(Random House)

G





Dear Zoo
Rod Campbell
(Macmillan Children's Books, London, UK)



Дастлабки босқичларда болалар тилни қизиқыш билан муваффақиятли ўзлаштириб боришлари учун қисқароқ матнларга эга бўлган китобларни танлаган маъқул. Болалар ўз муваффақиятларини баҳолаб бора оладилар. Бу эса, боланинг ҳаракатига лойик равищдаги мақтov билан биргаликда қўшилиб унда инглиз тилидаги суръатли китобларни биргаликда ўқишига бўлган ижобий муносабатни шакллантиради.

Оддий матн бир оз узунроқ бўлсада, биринчи борги ўқишини оддий ҳикоя тили билан чегаралаш тавсия этилади. Шу тарзда матн маъноси тушуниб етилганидан сўнг, аста-секин унга “перентис” тилидан (Британия кенгашининг “Фарзандингиз билан инглиз тилида гаплашиш” китобчасига қаранг) фойдаланган ҳолда баён қилишни қўшиб бориш мумкин.

Китобларнинг аксариятини танлашда ундаги сўзларнинг баъзилар боланинг ўша ондаги инглиз тилини билиш даражасидан бир оз юқорироқ бўлишига эътибор қилиш лозизмки, бола китоб билан ўзи билган сўзлар орқали танишишни бошлаган ҳолда, кейинчалик янги сўзларни ўрганишга ўта олсин.

Болалар бир нечта китоблар билан муваффақиятли равища биргаликда танишиб чиққанларидан сўнг, оиласда инглиз тилидаги китобларни мунтазам равища биргаликда “ўқиш” одатга айланиши мумкин бўлади.



Идеал ҳолатда китобда бола кундалик ҳаётида ишлатиши мумкин бўлган бир нечта сўзлар ёки жумлалар мавжуд бўладики, бу болага луғат бойлигини турли хил ҳолатларда қўллаш кўникмасини қўллаш имконини беради.

Китобларни танлашда ота-оналар бола жинсига мос келишига эътибор беришлари лозим. Шунингдек, бир нечта ҳам ўғил ҳамда қиз болаларга тўғри келувчи китоблар ҳам олинса, болалар ўзаро фикр алмашишлари учун улар умумий мавзу билан таъминланган бўладилар.


Баъзи ўғил болаларга ҳикоя қилувчи китоблардан кўра маълумот берувчи китобларни ўзлари учун қулийроқ деб билишлари мумкин.

Компакт дисклар ва рақамли тасвир дисклари

Баъзи ҳикоя қилувчи китоблар Компакт дисклар (CD-Rom) ёки рақамли тасвир дисклари (DVD) илова қилинган ҳолда сотилади. Бу болаларга суръатли китобларни ўртоқлашишдан ўзгача, шахсий тасаввур чегаралangan ва нисбатан пассивроқ равишда китоб билан танишиш имконини беради. Мукаммал билим олиш учун болалар китобдаги матнинг аксарият қисмини ёддан билиб олмагунларига қадар китобни биргаликда ўқиш, кейин эса уларга компакт диск ёки DVDлари кўрсатиш тавсия этилади.



Pass the Jam, Jim
Kaye Umansky and Margaret Chamberlain
(Random House)



Can You Spot the Spotty Dog?

John Rowe
(Random House)

Китобни биргаликда ўқишдан олинадиган бир талай нафлардан баҳраманд бўлсаларда, матн билан яхши таниш бўлмагунларига қадар ота-оналаридан бошқа инсоннинг овози ва талаффузини қабул қилишга қийналишлари мумкин.

Бу вақтга келиб болалар суръатли китоблардан завқ олишга кўнишиб бўлган ва ҳаттоқи ўзлари мустақил рашида ўқишни исташлари мумкин.

Китоб вақти

Китобни биргаликда ўқиш муваффақиятли бўлиши учун мунтазам равишда китоб ўқиш вақтлари учун шарт-шароитларни тайёрлаш лозим. Болалар ушбу ажратилган вақтда улар ота-оналарининг қўйнига кириб олишлари ва ота-оналарининг барча эътиборлари уларга ва китобни биргаликда ўқишга қаратилган бўлишига амин бўлишлари лозим.

Китоб вақти алоҳида битта машғулот бўлиши ёки ўз ичига инглиз тилидаги бошқа машғулотларни ҳам олувчи, каттароқ инглиз тили дарснинг бир қисми бўлиши мумкин (Британия кенгашининг :Фарзандингиз билан инглиз тилида гаплашиш" китобчасига қаранг). Идеал ҳолатда ҳар куни ёки ҳар иш кунидан, айни вақтда "Инглиз тилидаги китоб вақти" бўлгани маъқул. Чунки қисқа лекин тез-тез янги маълумотлар билан танишиш, унда-бунда лекин узоқроқ давом этувчи машғулотлардан самаралироқдир.

"Китоб вақти" давомийлиги ўн дақиқадан тортиб, боланинг янги билимлар олишга тайёрлиги ва ўша кундаги кайфиятидан келиб чиқсан ҳолда узоқроқ муддатгача давом этиши мумкин.





Машғулотларнинг мунтазам равишда олиб борилиши болалардаги хавфсизлик хиссини кучайтиради ва улар машғулотларни кутиб туришларига имкон яратади.


Үқиладиган китобларни биргаликда танлаш тавсия этилади, чунки болаларнинг танловида уларнинг руҳий ёки тил ўрганишдаги эҳтиёжлари яширган бўлиши мумкин. Янги китобни бола олдинги китобларни муваффақиятли равишда “ўқий” бошлаганидан сўнг таништирган маъкул. Янги китоб билан танишишини ҳам ота-она ҳамда бола “яхши кайфиятда” бўлган кунга олиб қўйган маъкул.

Янги китобларни таништиришда ота-онанинг роли

Илк босқичларда болалар ота(она)нинг китобни ўқиб бериши ва тушунишга ҳамда янги сўзларни ўзлаштиришдаги ёрдамига муҳтож бўладилар.


Болалар китобнинг кичик қисмларини ўқишга хисса қўша бошлаганларида ота(она)нинг роли асталик билан ўзгариб боради. Боланинг ўқиш қобилияти ўсиб боргани сайин ота (она)нинг аста-секин камайиб боради.

Бола китобдаги матнни ёдлаб олиб, уни ўзи ёки бошқалар учун баланд овозда “ўқий” оладиган даражага етганларида ота (она)нинг роли йўл қўйилган ҳатоларни бошқа сўз ёрдамида тўғирлаш ҳамда боланинг муваффақиятларини мақташга қадар камаяди.



Rosie's Walk
Pat Hutchins
(Random House)





Susan Laughs
Jeanne Willis and Tony Ross
(Random House)



Ушбу босқичга етгунга қадар бўлган давр мобайнида ота (она) боланинг тажриба ортиришини бошқариб боради ва бола қайси босқичга етганлигини аниқлаш ва қаерда ёрдамга муҳтоҷ эканлигини аниқлаб, кўмаклашиб боради. Ушбу цикл ҳар сафар янги китобни ўқиш бошланганида такрорланади. Аммо, боланинг инглиз тилидаги билими ортиб бориши билан ушбу циклнинг давомийлиги қисқариб боради.

Китоб варақлаш

Китоб варақлаш ўзига хос ўйин тури бўлиб, унда болалар ўз ихтиёрларидағи вақтда китоб варақларини истаган онларида ўгириш орқали китобдан ўzlари мустақил равишда завқ оладилар. Болалар ўzlари ўйлаб топувчи барча ўйинлар каби ушбу ўйин ҳам билим олишнинг муҳим қисми ҳисобланади, чунки у болага билим олишда нималарга эътибор беришни исташларини ота (она) кўрсатмасига кўра эмас, ўзи истаганча тарзда ва вақтда мулоҳаза қилиш имконини беради.

Шунингдек болаларга ўз қариндошларига ҳам "ўқиб бериш" имкони тақдим этилиши лозим, чунки болаларда эришган ютуқларини намойиш этиш билан боғлиқ бўлган табий истак мавжуд ва айни вақтда бу ҳам ўйиннинг бир кўринишидир. Бола эришган ютуқлар уни яна янги қирраларга рағбатландиради ва унинг онгида инглиз тилидаги китобни ўқиш унинг оиласи учун қизиқарли эканлиги ва улар ундан шуни истаётганини түғрисидаги фикрни шакллантиради. Кичик ёшдаги болалар ўз ота-оналарига маъқуллайдиган ишларни қилиш ва улари билан биргалиқда мароқли вақт ўтказишни хоҳлайди.

Оила кутубхонасини яратиш

Болалар яхши билиб олган китобларни болалар истаан вақтларида олиб, ўзлари учун “ўқишли” учун қулай бўлган жойда сақлаш лозим. Ушбу босқичда болаларнинг кўпчилиги овоз чиқармасдан ўқий олмайди. Идеал ҳолатда китоблар муқоваси олдига қараган кўринишда жойлаштирилиши лозим, чунки китобнинг ён тарафига қараш ушбу ёшдаги болаларда унга бўлган қизиқишни ўйғотиш эҳтимоли кам.


Болалар китоб матнидаги сўзларнинг аксариятини яхши билиб олмагунларига қадар уни оила кутубхонасига жойлаштирган маъқул. Агар болалар оила кутубхонасидаги китобларни ўқий олмасликларини тушунсалар, бу уларни китоб ўқишга бўлган қизиқишини сусайтиради. Бошланғич босқичларда “қила оламан” ҳиссини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай “қила олмайман” ҳиссини ўзгартирish учун вақт ва рағбатлантириш керак бўлади.

Биргаликда ўқиш


Ота-оналар ишлатиши лозим бўлган “перентис” тили миқдори болаларнинг ҳам ўз она тиллари ҳамда инглиз тилидаги билим даражаларига боғлиқ бўлади.

Янги китобни дастлабки бир неча бор биргаликда ўқишда ота-оналар қуйидагиларни ёдларида сақлашлари лозим:

- Болалар ота (она)нинг лаблари товуш чиқариш учун қандай ҳаракатланаётганлигини ҳамда кўзлар, юз ва тана ҳаракатлари ҳис-ҳаяжонларни қандай акс эттираётганликларини кўра оладиган яқин даражада жойлашишларини таъминлаш, чунки бу боланинг тушунишига ёрдм беради.



Stomp, chomp, big roars! Here come the dinosaurs!
Kaye Umansky and Nick Sharratt



Look Out! It's the Wolf!
Emile Jadoul
(Evans)



- Болаларга мос келадиган тезликда ўқиши, уларга суръатларни истаганча вақт мобайнида томоша қилишга имкон бериш. Кичик ёшдаги болалар бирон нарсани тушунишлари учун қўриш орқали маълумот олишга ўрганганлар. Улар кўпинча ота (онага) қарашиб орқали мазкур саҳифани томоша қилиб бўлганликларини билдирадилар.
- Ҳикоя ўқиши ролга киришиб, имкон бўлса жисмоний имо-ишоралар кўшган ҳолда амалга оширинг, чунки жисмоний ҳаракатлар янги сўзларни эслаб қолишга ёрдам беради.
- Ҳикояни ўқиб борар экансиз ҳайвонлар ва қаҳрамонлар учун турлича қизиқарли овозлардан фойдаланинг. Масалан, “баджаҳл кампир” ва ҳоказо. Болалар ролга киришишни яхши кўрадилар ва буни ўзлари овоз чиқариб “ўқиши”ларида ҳам кўллашга ҳаракат қиласадилар.
- Ҳар бир ўқиётган сўзингизни бармоғингиз билан кўрсатиб боринг. Бу болага чапдан ўнгга кўз ҳаракатини ривожлантириш ҳамда сўзларнинг шакли билан танишиш имконини беради.
- Болаларга гапларни якунлаш ёки ҳайвонлар ё транспорт воситаларининг овозини чиқариш орқали ўқишида иштирок этишга унданг.
- Китоб ўқиши якунлагач, уни ёпинг ва бир неча секунд сукут сақлаб туринг. Болалар ўзларининг ҳаёлий дунёларида бўлишлари мумкин ва уни тарқ этишга тайёр бўлишлари учун уларга бир оз вақт керак бўлади.




- Китоб түғрисида жуда күп саволлар бериш унинг мұй-жизавий хусусиятини бузади. Биргаликда китоб үқиши-ни мунтазам равишда амалга оширадиган оиласы таъкидлашича, болалар тайёр бўлганларида ўзлари ўқилган инглиз тилидаги китоб хусусида уларга она тилларида фикрларини билдирадилар.
- Агар болалар инглиз тилида гапираётиб ўз она тилларидаги сўз ёки жумлани кўлласалар, бу одатда улар ушбу сўзниң инглизча таржимасини билмаслика-ри ёки унутганликларидан далолат беради. Бундай ҳолларда бола тилларни аралаштириб юборгани хусусида оғиз очманг ва унинг ўрнига ушбу жумлани түлалигича инглиз тилида такрорланг. Улар буни англайдилар ва одатда инглиз тилида ўзлари билмаган сўз(лар)ни тезда ўзлаштириб оладилар ва кейинроқ кўллаш учун эслаб қоладилар.

Бола қанай тушунади?


Кичик ёшдаги болалар ўз атрофидагиларни мушоҳада қилиш ва уларни ўз она тилларида англаш билан банд бўладилар.

Одатда бу, агар ҳар кунлик такрорланувчи ҳолатлар билан боғлиқ бўлмаса, кўплаб янги сўзларни ўзлаштиришга ундиidi. Болалар уларга айтилган гапнинг моҳиятини англаш ва унга жавоб қайтаришни жуда яхши уddaрайдилар. Бошқа тилни ўрганаётган катталарнинг аксариятидан фарқли ўлароқ болалар ҳар бир сўзни тушунишни кутиб турмайдилар.



Brown Bear, Brown Bear, What Do You See?
Bill Martin Jr./Eric Carle
(Puffin)





Silly Suzy Goose
Petr Horáček
(Walker)

Cover illustration © 2006 Petr Horáček From *Silly Suzy Goose* by Petr Horáček. Reproduced by permission of Walker Books Ltd, London SE11 5HJ

Улар ўзлари биладиган сўзларни маъносини англайдилар ва қолган сўзларнинг маъносини мавзунинг моҳияти, сўзловчининг тана ҳаракати, кўз ёки юз ифодаларини талқин этган ҳолда тушуниб оладилар. Суръатли китобларни биргаликда ўқишида бола суръатлардан ҳам қўшимча маъно чиқариши мумкин.

Даставвал, боланинг тезроқ мушоҳада қилишига кўмаклашиш мақсадида ота-она бирон сўз ёки жумлани таржима қилиб беришдан мамнун бўлишлари мумкин. Аммо, фақат бир марта таржима қилган маъқул бўлиб, буни ҳам шивирлаган ҳолда айтиш керак, токи бола бу матннинг бир қисми эмас, таржима эканлигини англасин. Болалар тез таржимани осонлик билан тушунадилар. Агар улра ота-она ҳар сафар таржима қилиб беришини билсалар, инглиз тилини ўрганишга ҳаракат қилмай қўядилар.


Маданият таъсири

Британияда таҳсил олган рассомлар томонидан ишлов берилган суръатли китоблар кўпроқ Британия жамиятига хос бўлган ҳолатлар ва маданий кўнилмаларни акс эттиради. Агар бу боланинг дунёсидан катта фарқ қиласидиган бўлса, ота-оналар ўз она тилларида қўшимча изоҳлар беришга тайёр туришлари лозим.



Үқишиңи ўрганиш

Ота-оналар ўз она тилларида аллақачон ўқий оладиган фарзандлари инглиз тилидаги суръатли китоблардан жой олган сүзларни маъносини чақишига ҳаракат қилаётгандаридан ташвишга тушишлари мумкин. Ота-оналар ҳар қандай ўқиши фаолияти боланинг мактабдаги ўқув дастури асосидаги инглиз тилида ўқиши режаларига ҳалақит бериши мумкин деб ўйлайдилар. Расмий равишда ўқишиңи ўргатишни суръатли китобларни завқ олиш учун ўқиши билан чалкаштирилмагни лозим. Агар болалар ўзлари ўқишиңи ўрганишни истасалар, ота-оналар уларнинг бу ташаббусларини кўллаб-куватлашлари ва уларга норасмий тарзда ёрдам беришлари лозим.



From Head to Toe
Eric Carle
(Puffin)





Улар буни алфавитдаги кичкина ҳарфларнинг исмлари эмас, товушларини талаффуз этиш орқали таништиришдан бошлишлари мумкин. Энг осони ундош товушлар (масалан, b, d, m, t)ни таништириш. Болалар баъзи ҳарфларнинг товушларини ўрганиб олганларидан кейин мазкур ҳарфлар сўз бошида келган ҳолатларда уларга урғу бериб, кўрсатиб ўтинг (dog).

Болалар кичкина ҳарфларнинг товушлари билан яхшироқ танишиб олганларидан кейин (ундош ҳарфлар ва оддий унли ҳарфлар), кичкина ҳарфларнинг ёнида катта ҳарфларни ҳам таништиринг ва уларнинг товушини такрорланг.

Болалар матнни аллақачон ёддан билар эканлар тез орада оддий сўзларнинг шаклларини таний бошлайдилар ва шу сабабли уларни қаердан қидиришни билиб оладилар. Улардан мазкур сўзни матннинг бошқа жойларидан ҳам топишни сўранг ва бу ўйинни кенгайтиринг.

Ўз она тилида ўқишини биладиган болаларнинг аксарияти тез орада ушбу оддий маъно бериш қандай ишлашини тушуниб оладилар ва мустақил равишда матндаги бошқа таниш қисқа сўзларни топа бошлайдилар. Аммо уларнинг ушбу ҳаракатига ёрдам бериш учун ота-оналар қисқа, лекин ўқилиши оддий бўлмаган сўзларни қандай талаффуз қилишини айтиб туришлари керак бўлади, масалан, "the" артикли.



Агар ота-она алифбо қўшиғини кўйлайдиган бўлса, болаларга ҳар бир ҳарфнинг исми бўлиб, у ҳарфнинг товушидан фарқ қилишини, бизлар кўйлайдиган алифбо қўшиқларининг аксариятида эса айнан ҳарфларнинг исмлари кўйланишини тушунтириб ўтишлари лозим.

Баъзи болалар ўзларига таниш бўлган матнни овоз чиқариб ўқишни ўзлари ўрганадилар, айниқса бу шеър бўлса. Улар матнни маъносини англаш учун бир қатор услублардан фойдаланадилар ва ўрни келганда тусмолдан топишга ҳаракат қиласдиларки, токи бутун матнни ёддан эгаллаб олгунларига қадар. Кўп болалар ушбу услублардан анча кичик ёшдаликлариданоқ ўзларига таниш бўлган маҳсулотларнинг исмларини “ўқиш”да фойдаланадилар. Уларнинг ушбу ўқишга бўлган ҳаракатларини олқишлианг, лекин айни вақтда бу ўқиш улар ёддан биладиган матн асосида эканлигини унумтманг.

Аммо, матнни ўқий олиш болани рағбатлантиради ва шу билан бирга бу яхши ўқий оловчи даражага етиш йўлидаги муҳим қадамdir. Инсон шахсидағи ҳаётий муносабатлар шаклланувчи ушбу кичик ёшда амалга ошириладиган ҳар қандай завқли, босим остида бўлмаган ўқиш, кейинчалик болада тилларга ва китобларга бўлган муҳаббатни шакллантиришга хисса қўшиши эҳтимоли юқори.

Қўшимча маълумотлар учун мурожаат манзили:
www.britishcouncil.org/parents

Биргаликда ўрганиш жуда завқли!



“Кўп ўқийдиган инсоннинг қалами ўтқир бўлади.”

Хитой мақоли





www.britishcouncil.org/parents

Ота-оналарга күмаклашиш учун Британия Кенгашы томонидан яратилган бир қатор құлланмалардан бири.
Буюк Британия муаллифи ва Таълим Маслаҳатчиси Опал Данн томонидан ёзилған.
© British Council 2008

The United Kingdom's international organisation for cultural relations and educational opportunities.
A registered charity: 209131 (England and Wales) SC037733 (Scotland).